

Суннатнинг ҳикмати



11:28 / 18.10.2018 5202

Германияда бир мусулмон инсон фарзанд кўради. Суннатга мувофиқ иш кўришни ният қилган оила бошлиғи еттинчи куни боланинг сочини олади ва соч оғирлигида олтин садақа қилади. Бир неча кун ўтгач чақалоқни шифокор кўригига олиб боради. Чақалоқни кўриқдан ўтказган шифокор ажабланган оҳангда, “Фарзандингизнинг сочини сизлар олдингизми ёки ўзи шундай туғилганми?” деб сўрайди. Чақалоқнинг онаси “Сочини ўзимиз олдик”, деб жавоб беради.

Шифокор ажабланиш сабабини тушунтириб, “Агар янги туғилган чақалоқнинг сочлари 40 кун ичида олинса, унинг кўриш қобилияти кучаяди, сочлари мустаҳкамланади, фаҳм-идроки очилади. Олимларимиз бунинг ва яна бошқа кўп фойдалари бор эканини эллик кун аввал аниқлашди. Айниқса, бу амалиёт еттинчи куни қилинса, сифатлар янада

кўпаяр экан, дейди. Кашфиёт эллик кун олдин маълум бўлган бўлса, сизлар буни қаердан билганигизга ҳайронман”, дебди шифокор. Чақалоқнинг онаси, “Биз буларни пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаламдан билдик”, деб жавоб қилибди. Шифокор ким ҳақида гап бораётганини англамай ва уни тирик одам дея ўйлаб, “Сизнинг пайғамбарингизга ахборот қанчалик тез етиб келади”, деб сўрабди. Она эса, “У зот 1400 йил олдин яшаган ва у ҳозир биз билан эмас”, дея жавоб қайтарибди. Шифокор эса, тамоман ҳайрат уммонига ғарқ бўлибди.

Шариат таълимотларига мувофиқ туғилишнинг еттинчи куни боланинг сочини олиб, ўша соч оғирлигида кумуш садақа қилмоқ тавсия қилинади.

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам: “Ҳар бир ғулом ақийқаси гаровидир. Унинг учун еттинчи куни сўйилади, сочи олинади ва исм қўйилади”, – дедилар”. Абу Довуд ривояти. Бу ҳадисни Термизий, Ибн Можа, Байҳақий, Аҳмад, Ҳокимлар ҳам ривоят қилишган. Термизий ҳасан саҳиҳ деган.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам Ҳасан учун бир қўй (сўйиб) ақиқа қилдилар ва: “Эй Фотима, унинг сочини олиб, сочи оғирлигида кўмиш садақа қилгин”, дедилар. Уни тортган эди вазни бир ёки ундан камроқ дирҳам чиқди”. Термизий ривоят қилган.

Islom.uz портали таҳририяти